

---

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИННИГ НАВБАТДАГИ ҚИРҚ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ БҮЛИБ ЎТДИ

Бугун вилоят ҳокимлиги мажлислар залида халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдаги қирқ учинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, кун тартибига киритилган масалаларга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари қатнашди.

Дастлаб “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да қабул қилинган вилоят дастурининг 2022 йил 1-чорак ижроси якунлари юзасидан вилоят ҳокимлиги молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти мудири Маҳсудали Сайдуллаев ҳисобот берди.

Вилоят ҳокимининг тегишли қарори билан 7 та йўналиш 145 та банддан иборат вилоят ҳудудий дастуринининг ижросини ташкил этиш ва ижроси назоратини таъминлаш бўйича вилоят Ишчи гуруҳлари тасдиқлангани, ҳудудий дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2022 йил давомида 11,3 трлн.сўм ва 704,2 млн.АҚШ доллар маблағ сарф этилиши кўзда тутилгани маълум қилинди.

Давлат дастури ва вилоят ҳудудий дастурида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида ўзлаштирилаётган маблағлар, белгиланган чора-тадбирлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди.

Сессия кун тартибida кўра вилоятда эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажримлар билан боғлиқ ҳолатларни бартараф этиш, шунингдек, хотин-қизлар муаммоларини ҳал этилиши борасида кўрилаётган чоралар юзасидан берилган ҳисобот қизғин баҳс-мунозаралар билан кўриб чиқилди.

Вилоядда жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида 2022 йилнинг 1-чорагида амалга оширилган ишлар, шунингдек, автомобил йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам сессия кун тартибидан ўрин олди.

Вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йилнинг 1-чораги ижроси ҳамда шаклланган қўшимча манбалардан мақсадли фойдаланиш, вилоядда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш аҳволи ҳам сессия иштирокчилари эътиборида бўлди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича муносабатлар билдирилиб, белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қилинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-25 15:26:42